



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 28 » sentabr

№ 504

Toshkent sh.

Транспорт соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий ва инновацион фаолият тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида илфор хорижий тажрибани кўллаган ҳолда ўкув жараёнига янги таълим услубларини, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда транспорт соҳасида таълим оловчиларга кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратиш, соҳа кадрларининг билим ва кўникумларини ошириш, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш жараёнларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 июндаги ПФ-94-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 июндаги ПФ-94-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази негизида таълим муассасаси шаклида **Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Институт автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув ва электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги соҳалари (кейинги ўринларда – транспорт соҳаси) кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасаси ҳисобланади;

Институтнинг тузилмаси ва устави Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади;

Тошкент давлат транспорт университетининг Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази фаолияти тугатилади;

Институт Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказининг хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси ҳисобланади;

Институт транспорт соҳасига оид илмий-тадқиқот, инновацион лойиҳалар, шунингдек, лойиҳалаштириш, лаборатория синовларини ўтказиш, сертификатлаштириш, экспертиза, диагностика ва назорат ўлчовларидан ўтказиш фаолиятлари билан шуғулланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

транспорт соҳаси кадрлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида ҳар уч йилда камида бир марта малака оширади;

Институтда автомототранспорт (электротранспорт) воситаларини бошқарувчи шахслар (ҳайдовчилар)нинг малака ошириш ўқув курслари дастурлари бўйича мустақил тайёргарлик кўрган ва имтиҳондан муваффақиятли ўтган шахсларга таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни бериш амалиёти жорий қилинади;

Транспорт вазирлиги томонидан транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда якуний имтиҳонларни ўтказишга мўлжалланган маҳсус платформа яратилади;

давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курслари бўйича якуний имтиҳонлар Транспорт вазирлиги томонидан яратилган маҳсус электрон платформада топширилади;

ўқув курсларининг якунида олинадиган имтиҳонларда автопрокторингдан фойдаланилади, яъни таълим олувчиларнинг шахсини автоматик тарзда аутентификациялаш, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хонадаги товушларни таҳлил этиш, видеодаги бузилишларни тузатиш ҳамда ҳисботлар тайёрлашга йўналтирилган бўлиши назарда тутилади;

якуний имтиҳон ўтказиш учун ўқув дастурларининг ҳар бир соати учун камида бештадан назорат материаллари (саволлар, тестлар ва бошқалар) маҳсус платформага жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Институтнинг буюртмасига асосан транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги хужжатлар бланкаларини белгиланган тартибда тайёрлайди. Ушбу бланкалар Институт томонидан бошқа давлат ва нодавлат таълим ташкилотларига уларнинг буюртмасига мувофиқ шартнома асосида етказиб берилади;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курси битиравчиларига таълим тўғрисидаги хужжатларни (диплом, сертификат, гувоҳнома) электрон шаклда бериш амалиётини жорий этиш мақсадида идентификация рақами ва QR-код (матрик-штрихли код) ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи “Электрон репозиторий” тизими ва дастурний таъминоти яратилади ҳамда жорий қилинади.

4. Куйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

транспорт соҳаси кадрларини, шу жумладан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

транспорт соҳасида инновацион, фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ҳамда натижаларини амалиётга жорий этиш;

транспорт соҳасида ўқув-услубий методик мажмуалар ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини ташкил этиш;

транспорт соҳаси кадрларининг малакасини баҳолаш фаолиятини ташкил этиш;

соҳа мутахасислари учун узлуксиз ва касбий ривожлантириш тизимини ташкил қилиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини мониторинг қилувчи ягона электрон платформани яратиш ва амалиётга жорий этиш;

касбий эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда, буюртмачиларга (таълим олувчиларга) малака ошириш шаклларини мустақил танлаш имкониятини яратиш;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг бевосита ва билвосита бир-бирини тўлдирувчи тамойилларини кўллаш ҳамда масофавий ва бошқа таълим шаклларини жорий қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жамоат транспортидаги автобус ҳайдовчиларига бўлган мавжуд талабдан келиб чиқсан ҳолда, Институтда “D” тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича махсус курсларни ташкил этиб, ушбу курсларни тамомлаган ҳайдовчиларни белгиланган тартибда иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Куйидагиларни назарда тутувчи Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш тизими ҳамда уни бошқариш;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларининг ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш;

таълим тўғрисидаги ҳужжатлар намуналарини тасдиқлаш;

ўқув режаси ва дастурига мувофиқ синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга белгиланган намунадаги таълим ҳужжатларни бериш;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш.

7. Куйидагилар Институт фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

транспорт соҳасига оид илмий-тадқиқот, диагностика ва лаборатория ишларидан олинган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига оператив бошқарув хуқуқи асосида бепул берилаётган объектлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ой муддатда автодром қуриш учун зарур бўлган қўшимча ер участкаси Институтга доимий фойдаланиш хуқуқи асосида ажратилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “28” сентябрдаги 504сон қарорига
1-илова

**Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

кадрлар малакасини ошириш – автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги соҳасида (кейинги ўринларда – транспорт соҳаси) талаблар асосида тегишли фаолият турлари бўйича касбий билим, маҳорат ва кўникмаларни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, мутахассислик ёки касбий фаолиятни юритиш учун билим даражасини ошириш;

кадрларни қайта тайёрлаш – таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари (кейинги ўринларда – ўқув курслари) – тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ транспорт соҳаси кадрларининг билим, маҳорат ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил қилинадиган ўқув курслари;

транспорт соҳаси кадрлари – транспорт соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларнинг ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ лавозим ва мутахассисликлар номенклатурасига кирувчи ходимлари.

3. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) хузуридаги Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда – Институт) ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

4. Транспорт соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича лавозимлар ҳамда мутахассисликлар номенклатураси Вазирлик томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

5. Транспорт соҳаси кадрларининг тайёргарлиги, малакасига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги Вазирлик томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича уларнинг камида ҳар уч йилда бир марта ўз малакасини оширганлиги тўғрисида Институт томонидан бериладиган малака сертификатига мувофиқ аниқланади.

6. Қайта тайёрлаш натижасида бериладиган таълим тўғрисидаги хужжат (диплом) факат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш хукуқини беради.

2-боб. Транспорт соҳасида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мақсади ҳамда вазифалари

7. Транспорт соҳаси ходимларини ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакаси оширишнинг мақсади таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини, шунингдек, чуқурлаштирилиши ҳамда доимий янгилаб борилишини таъминлайди.

8. Кўйидагилар транспорт соҳасида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг вазифалари ҳисобланади:

транспорт соҳаси ходимларининг касбий билими, кўникмаси ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш, замонавий талабларга мувофиқ касб фаолияти сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

транспорт соҳаси кадрларини, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

транспорт воситаларини (автомототранспорт, темир йўл, ҳаво, сув, электр транспорти, метрополитен) бошқариш (тоифалар) бўйича тайёрлаш;

оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

транспорт соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш орқали касбий тайёргарликни самарали ташкил этишни таъминлаш;

транспорт соҳаси ходимларининг вазифа ва мажбуриятлари самарали бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган даражада касбий тайёргарлигини ошириш, билим, кўникма ва маҳоратини узлуксиз янгилаш механизmlарини жорий қилиш.

3-боб. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини бошқариш

9. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида Вазирлик, Институт ва нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) ҳамда буюртмачилар (давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар) киради.

10. Вазирлик:

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Институтга ҳамда таълим ташкилотларига умумий раҳбарлик қиласиди;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида таълим жараёни механизмлари ва усулларини белгилайди;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича хужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

транспорт соҳаси кадрлари малакасини баҳолаш тартибини белгилайди ва жорий қиласиди;

давлат таълим талабларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлайди;

ўкув курсларига қабул қилиш тартибини белгилайди;

таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўнимкамарини баҳолаш тартибини белгилайди ҳамда тасдиқлайди;

фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари учун ўкув курсларининг маҳсус дастурларини тасдиқлайди, малака имтиҳонларини ташкил қилиш, ўtkазиш ва малакани баҳолаш тартибларини белгилайди;

ўкув адабиётларини чоп этишини таъминлайди ва молиялаштиради;

ўкув курсларида таълим шакллари жорий этилишини таъминлайди;

ўкув курслари битиравчилари тайёргарлигига қўйиладиган талабларни тасдиқлайди;

таянч ўкув режаси ва фан (модуль) дастурларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

транспорт соҳасининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ўкув-услубий, ахборот ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлайди ва такомиллаштиради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг янада ривожланишини ва модернизация қилинишини таъминлайди;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиради;

ўкув курслари йўналишларининг транспорт соҳасидаги касб стандартлари, мутахассисликлар классификаторига мувофиқлигини таъминлайди;

ҳалқаро тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

таълим ташкилотларида ўқув курслари битиравчиларига таълим тўғрисидаги ҳужжатларни (диплом, сертификат, гувоҳнома) электрон шаклда бериш амалиётини жорий этиш мақсадида идентификация рақами ва QR-код ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи “Электрон репозиторий” тизими ва дастурий таъминотини яратади ва жорий қиласди;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ташкилотларининг реестрини юритади;

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати бўйича мониторинг юритилишини ташкил қиласди.

11. Институт:

транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади;

автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини маҳаллий ва халқаро тоифаларга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади;

кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади;

транспорт воситаларини (автомототранспорт, темир йўл, ҳаво, сув, электр транспорти, метрополитен) бошқаришга (тоифалар) тайёрлаш фаолиятини амалга оширади;

темир йўл транспортида локомотив, дрезина ва метрополитен транспортида электропоезд машинисти касбига тайёрлайди ҳамда ҳаракат таркибини мустақил бошқариш ҳуқуқини беради;

метрополитен, умумий темир йўллар ва ўзининг шохобча йўлларига эга юридик шахсларнинг темир йўл транспорти кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади;

транспорт соҳасида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади;

оммавий касб мутахассисларини қайта тайёрлаш фаолиятини амалга оширади;

таянч ўқув режаси ва фан (модуль) дастурларини ишлаб чиқади;

ўқув жараёнига тингловчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг илғор шакллари ва усулларини татбиқ қиласди;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интерфаол усулларни жорий қиласди;

ўқув курслари машғулотларини ўтказиш учун малакали профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассисларни жалб қиласди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим жараёнининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида илғор халқаро амалиётни ўрганади ва жорий қиласди;

ўқув курсларида таълим олишнинг электрон базасини юритади;

транспорт соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этади ва таълим жараёнини услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради;

Вазирликка таълим жараёнини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиши бўйича таклифлар киритади ҳамда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион ғояларни амалга оширади;

фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг йўл харакати хавфсизлиги хизмати ходимлари учун ўқув курсларининг маҳсус дастурларига мувофиқ малакасини оширади ва таълим олган шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат беради, шунингдек, малакани баҳолаш фаолияти билан шуғулланади;

ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганади ва ўзаро тажриба алмашишини ташкил қиласди.

12. Буюртмачилар:

ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим оловчилар рўйхатини шакллантиради;

ўқув курсларининг тасдиқланган жадвали асосида таълим оловчиларнинг ўқув курсларида қатнашишини таъминлайди;

ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган мутахассисларнинг илғор тажрибаси, янги билимлари ва кўнимкалари оммалашишини ташкил этади, уларнинг ижобий тажрибасини тарғиб қилиш бўйича чоралар кўради;

ўқув курсларининг ички мониторингини юритади, ўқув курслари якуний натижаларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган мутахассисларни моддий рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек, бўш лавозимларни тўлдириш учун танловлар ўтказиш жараёнида уларни асосий мезон сифатида эътиборга олади.

4-боб. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш тартиби

13. Транспорт соҳаси кадрлари уч йилда камида бир марта малакасини ошириши шарт.

14. Транспорт соҳаси кадрлари олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларини тамомлаганидан сўнг уларнинг икки йил давомида малака ошириши талаб

етилмайди, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар ҳамда соҳа кадрларини мутахассисликка тайёрлаш вақтида, ишлаб чиқариш амалиётида танишмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда янги жорий қилинган технологиялар, усуллар ва услубларни ўрганиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно.

15. Олий маълумот талаб этилмайдиган касблар бўйича талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўқув курсларида таълим олиш мумкин.

16. Ўқув курслари буюртмачилардан келиб тушган буюртма асосида ташкил этилади.

17. Ўқув курсларида кўрсатиладиган таълим хизматлари шакли буюртмачи билан келишган ҳолда танланади.

18. Ўқув курсларида ўқиганлик учун тўлов микдори Институт томонидан белгиланади.

19. Ўқув курслари Вазирлик томонидан тасдиқланган таянч ўқув режаси ва дастурларига ҳамда Институт томонидан тасдиқланган ишчи ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ташкил қилинади.

20. Институт ўқув курсларини анъанавий, масофадан ва бошқа таълим шаклларини жорий қилган ҳолда ташкил қиласди.

21. Барча турдаги аудитория машғулотларининг жуфт соати давомийлиги 80 дақиқани, ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камидаги 10 дақиқани ташкил этади.

22. Ўқув курсларида таълим жараёнлари 30 нафар таълим олувчидан ошмаган академик гуруҳларда ташкил этилади. Амалий, лаборатория ва аудиториядан ташқари машғулотлар алоҳида гуруҳлар бўйича, назарий машғулотлар эса 3 тадан кўп бўлмаган гурухни бирлаштирган ҳолда маъруза шаклида ўтказилади.

23. Институтда ўқув курслари қўйидаги шакллар орқали ўтказилади:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (анъанавий) – ўқув курслари дастурларини Институтга келиб, тўлиқ дарс жараёнларига қатнашган ҳолда ўзлаштириш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки таълим олиш – ўқув курслари дастурларини иш вақтига халақит бермаган ҳолда тузилган жадвалга мувофиқ ўзлаштириш;

масофавий таълим олиш – онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишида ўзлаштириш) шаклда амалга ошириш;

ишлаб чиқаришдан қисман ажралган ҳолда (аралаш усул) таълим олиш – 3+1 тизими бўйича (75 фоиз бевосита Институтда, 25 фоиз иш жойида мустақил таълим олиш йўли билан) ёки 2+2 тизими бўйича (50 фоиз бевосита

Институтда, 50 фоиз иш жойида мустақил таълим олиш йўли билан) ва/ёки 1+3 тизими бўйича (25 фоиз бевосита Институтда, 75 фоиз иш жойида мустақил таълим олиш йўли билан) таълим олиш.

24. Аудитория ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатдан (бир кунлик 6 соатдан) ошмаслиги лозим.

25. Масофадан (видеоконференцалоқа орқали) онлайн шаклда ташкил қилинганда, аудитория ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 24 соатдан (бир кунлик 4 соатдан) ошмаслиги лозим.

26. Масофадан онлайн ва оффлайн шаклда ўқув курслари ташкил қилинганда, ўқув юкламаларнинг ҳажмини мазкур Низомда белгиланган меъёрларга мувофиқ Институт мустақил белгилайди.

27. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув юкламаларининг энг кам меъёри давлат таълим талаблари билан белгиланади.

28. Ўқув курсларининг йўналишлари, давомийлиги, ўқув юкламалари ҳажми, таълим бериш шакли, шунингдек, ўқитиладиган кадрлар тоифалари (контингенти), таянч ўқув режаси ва дастурларида кўрсатилади.

29. Қайта тайёрлаш ўқув курсларида таълим оловчи мутахассислар қайси мутахассисликдан қайси лавозимга қайта тайёрланиши ўқув режаси ва дастурларида ёки Вазирликнинг буйруғи билан белгиланади.

30. Малака ошириш ўқув курсларида таълим оловчилар билимлари якуний назорат турлари натижалари асосида баҳоланади.

31. Қайта тайёрлаш ўқув курсларида таълим оловчилар билимлари жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари ҳамда битирув иши натижалари асосида баҳоланади.

32. Ўқув курслари бўйича таълим оловчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражаси тест синовлари, оғзаки ва ёзма шакларидан бирида баҳоланади. Назорат шакли ва баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан белгиланади.

33. Назорат турлари куйидагича баҳоланади:

86 фоиздан **100** фоизгача ўзлаштирган – “**аъло**”;

71 фоиздан **85** фоизгача ўзлаштирган – “**яхши**”;

56 фоиздан **71** фоизгача ўзлаштирган – “**қониқарли**”;

56 фоизгача ўзлаштирган ҳисобланади – “**қониқарсиз**”.

34. Касбий фаолиятни юқори даражада ўзлаштириш талаб этиладиган (ёки тор доирадаги) айрим турдаги касбларга қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларининг натижалари бўйича ўзлаштириш даражаси Вазирлик томонидан мазкур Низомда келтирилган ўзлаштиришнинг энг паст ва энг юқори даражаларидан чиқмаган ҳолда белгиланиши мумкин.

35. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларини мустақил ёки масофавий ўқитиш технологиялари орқали ўзлаштираётган таълим олувчилар якуний имтиҳондан ўтади.

36. Асоссиз сабаблар билан машғулотларни ўтказиб юборганлиги учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг таълим олувчилари сафидан четлатилганлар қайта тўлов асосда ўқув курсларида таълим олишлари, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг навбатдаги курсларида тегишли йўналиш (мутахассислик) бўйича якуний имтиҳондан ўтишлари лозим.

37. Якуний имтиҳон бўйича “қониқарсиз” баҳо олган таълим олувчиларга яна икки марта имтиҳон топшириш имконияти берилади.

38. Таълим олувчилар қуйидаги ҳолларда тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқув интизомини ва Институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

битта ўқув курси дастурида белгиланган ўқув юкламаси умумий соатининг (мустақил тайёргарлик бундан мустасно) узрли сабабларсиз 10 фоизидан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

таълим дастурларини ўзлаштирганлиги учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

суд ҳукми асосида озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

5-боб. Таълим тўғрисидаги хужжатлар

39. Ўқув курслари битиравчиларига қуйидаги хужжатлар берилади:

ўқув курслари дастурларини муваффақиятли тугатган (ўзлаштирган) шахслар учун ушбу Низомга 1 ёки 1а-иловаларда келтирилган шаклларга ва тавсифга мувофиқ транспорт соҳаси кадрларининг малака оширганлиги хақида сертификат;

ўқув курслари дастурларини муваффақиятли тугатган (ўзлаштирган) шахслар учун ушбу Низомга 1б ёки 1в-иловаларда келтирилган шакл ва тавсифга мувофиқ транспорт соҳасида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини тугатганлик хақида гувоҳнома;

ўқув курслари дастурларини муваффақиятли тугатган (ўзлаштирган) шахслар учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шакл ва тавсифга мувофиқ транспорт соҳасида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини тугатганлик хақида гувоҳнома;

қайта тайёрлаш ўкув курслари дастурларини муваффакиятли тугатган (ўзлаштирган) шахслар учун ушбу Низомга З-иловада келтирилган шакл ва тавсифга мувофиқ транспорт соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида диплом.

40. Ўкув курслари бўйича имтиҳон натижаларига кўра етарли балл тўплай олмаган таълим олувчига ўкув жараёнига қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

41. Мазкур таълим тўғрисидаги ҳужжатлар қоғоз ёки электрон ва/ёки пластик шаклда берилиши мумкин ҳамда учаласи ҳам тенг юридик кучга эга.

42. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар электрон шаклда QR-код (матрик штрихли код) туширилган ҳолда берилганда, қайд рақами қўйиш талаб этилмайди.

43. Малака ошириш ўкув курслари такрорланмас бўлган тақдирда, амал қилиш муддатига “–” чизиқча белгисини қўйиш тавсия этилади.

44. Таълим тўғрисидаги ҳужжат бланкаларига QR-код (матрик штрихли код) туширилганда, таълим муассасаси (ташкилот) муҳри ва раҳбарининг имзоси талаб қилинмайди. QR-код (матрик штрихли код) туширилмасдан берилганда, таълим муассасаси (ташкилот) муҳри ва раҳбарининг имзоси қўйилади.

45. Малака оширганлик ҳақидаги сертификатга туширилган QR-код (матрик штрихли код) текширилганда, таълим ташкилотининг сайтида таълим олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, таълим олган йўналиши, ўкув юклamasи ҳажми, даври ва расмийлаштирилган санаси бўйича маълумотлар бўлиши шарт.

6-боб. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш

46. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш қуидагиларни ўз ичига олади:

ташқи назорат – транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ваколатли органлар томонидан амалга оширилади;

жамоатчилик назорати – белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва буюртмачилар томонидан амалга оширилади;

ички назорат – белгиланган тартиб асосида таълим ташкилоти томонидан амалга оширилади;

якуний назорат – якуний аттестация ва (ёки) бошқа назорат усувлари асосида баҳоланади.

47. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича Институт фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ баҳоланади.

7-боб. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув дастурларига қўйиладиган талаблар

48. Ўкув курслари ўкув режаси ва дастурлари асосида ўтказилади.
49. Ўкув дастурлари заруратга қараб янгиланади.
50. Ўкув дастурлари таълим олувчиларнинг амалдаги эҳтиёжлари ва уларнинг тайёргарлик даражасини эътиборга олган ҳолда шакллантирилади. Ўкув дастурлари ишлаб чиқариш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, турли фаолият соҳалари учун алоҳида ишлаб чиқилиши мумкин.
51. Ўкув дастурлари асосий ва қўшимча ўкув модулларига ажратилган ҳолда алоҳида ўкув модулларига бўлинади.
52. Ўкув дастурларининг мазмунига бўлган асосий талаблар қайта тайёrlаш ва малака оширишга қўйилган талаблар асосида белгиланади.
53. Ўкув дастури фан, техника, технология ва транспорт бозори ривожланишининг илгор ютуқларига мувофиқ ҳолда яратилиши, транспорт таълими тизимида узлуксизлик, изчиллик ва кетма-кетликни таъминлашга доир талабларга жавоб бериши лозим.
